“O’zsuvloyiha” АЖ бош директор лавозимига танлов эълон қилади

Тошкент шаҳар, Лабзак кўчаси, 1а-уй манзилда жойлашган “O’zsuvloyiha” АЖ Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари ўртасида акциядорлик жамиятининг бош директори лавозимига номзодлар танловини эълон қилади.

Талабгорга қўйиладиган асосий талаблар

Таълим бўйича талаб:

– Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларида ёки хорижий давлат таълим муассасасида олинган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида таълимга тенг деб тан олинган мухандис-гидротехник ёки муҳандис-механик (сув хўжалиги қурилиши муҳандиси) мутахассислиги бўйича олий маълумот.

Малакавий талаблар:

– сув хўжалиги соҳасида камида 5 йил иш тажрибаси;

– ёши 30 ёшдан;

– лойиҳа-тадқиқот ишларини такомиллаштириш, нархини пасайтириш, сув иншоотларини лойиҳалашнинг илғор усулларини жорий этиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш харажатларини камайтириш ва унинг сифатини яхшилаш бўйича ишларни ташкил этиш қобилияти;

– сув хўжалиги объектларини лойиҳалашда узоқ муддатли ва жорий режаларни ишлаб чиқиш қобилияти;

– манзилли рўйхатларда кўзда тутилган ишларнинг бажарилишини таъминлаш ва сув хўжалиги қурилиш объектлари учун ЛСҲ ишлаб чиқиш учун зарур бўлган вақтни қисқартириш қобилияти;

– буюртмачи ва пудратчилар билан тузилган шартномалар бўйича банк операцияларини амалга оширишни ташкил этиш ва белгиланган муддатда объектларга ЛСҲ ишлаб чиқишни таъминлаш ривожлантириш қобилияти;

– қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ ЛСҲни ишлаб чиқиш вақти ва сифати устидан назоратни таъминлаш қобилияти;

– меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив шаклларини жорий этишни, уларга бўйсунадиган бўлинмаларда ходимларнинг касбий ва малака салоҳиятидан тўғри фойдаланишни таъминлаш қобилияти.

Билиши керак:

– Республикада сув хўжалиги қурилишини ривожлантиришни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари (қурилиш нормалари ва қоидалари) ҳамда иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгиловчи бошқа меъёрий ҳужжатлар;

– корпоратив бошқарув бўйича ишлаш кўникмаларига эга бўлиш;

– компютерда ишлаш кўникмаларига эга бўлиш;

– тилни билиш (резидентлар учун): ўзбек тилида – равон гапириш, рус тилида – равон гапириш, инглиз тилини билиш – олқишланади.

Вазифалари:

Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш, унинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

Дастурлар ва бизнес-режани ишлаб чиқишни бошқариш, бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

Жамиятнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш чораларини кўриш, жамиятнинг шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорда фойда олинишини таъминлаш;

Ходимлар учун ижтимоий кафолатлар ва хавфсиз меҳнат шароитларига риоя этилишини таъминлаш;

Амалдаги қонунчилик, қонун ҳужжатлари ва жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқлигига риоя қилиш.

Асосий иш шароитлари:

Иш вақти:5/2, 8:00 дан 17: 00 гача.

Иш доимий.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексига мувофиқ расмийлаштирилади.

Иш ҳақи: штат жадвалига мувофиқ.

Бошқа тўловлар жамиятнинг ички низомларига мувофиқ амалга оширилади.

Танлов шартлари:

Мурожаат қилган номзодларнинг ҳужжатлари (резюме ёки объектив маълумотнома, диплом ва сертификатлар нусхалари, резидентлар учун меҳнат дафтарчаси нусхаси, тавсияномалар ва бошқалар.) Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 1а-уй манзилда қабул қилинади.

Танловга аризалар ушбу эълон нашр қилинган кундан бошлаб 30 кун ичида қабул қилинади.

Тел: (71) 241-48-30; (71) 241-78-56; (71) 241-15-04.

e-mail:info@uzsuvloyiha.uz

“O’zsuvloyiha” АЖ Кузатув кенгаши